

ЎЗРДА ҚИШЛОҚ АХОЛИСИГА БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИНИ КЎРСАТИШ ВА МУАММОЛАРИ

Раҳманов Т. О.

Сабилов У. А.

Тошкент давлат стоматология институти

Аҳолига яъний қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни янада яхшилаш, касалликлар профилактикаси, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва санитария-гигиеник маданиятни тарғиб қилиш тадбирларини амалга оширишда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларининг етакчи ўрнини ва улар фаолияти аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган профилактик тадбирлар самарадорлиги учун уларнинг масъулиятини ошириш катта аҳамиятга эгадир.

Оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пункти ўзларига бириктирилган маҳалла, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатадиган бирламчи тиббий-санитария бўлимлари ҳисобланади.

Қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишда умумий амалиёт шифокорларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат :

Бириктирилган аҳолига уларнинг соғлиғини сақлаш ва доимий назорат қилиш, энг кўп учрадиган касалликларнинг олдини олиш ва даволашда алоҳида беморлар ва бутун оилага тиббий хизматлар кўрсатиш; беморларнинг ихтиослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт муассасаларига маслаҳат ва касалхонага ётқизиш учун ўз вақтида юбориш; хизмат кўрсатувчи ҳудуд аҳолисига стандартлар ва мавжуд жихозларга мувофиқ шифохонагача шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш; хизмат кўрстилаётган аҳоли ўртасида жароҳатланиш, ногиронлик, ўлим ҳолатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш (адекват овқатланишни тавсия этиш, чекиш, спиртли ичимликларни суистимол қилишга қарши ишлар олиб бориш, спорт ва жисмоний маданият билан шуғулланиш); санитария ва эпидемиологияга қарши чора-тадбирлар комплексини ташкил этиш ва амалга ошириш (профилактик эмлаш, белгиланган ҳудуд ва хўжаликларининг санитария умумий назорат қилиш, юқумли касалликлар ўчоқларида касалликларни кузатув тадбирларини



ўтказиш , хизмат кўрсатилаётган худуддаги эпидемия ҳолатларни таҳлил қилиш), жойларда бириктирилган аҳолини эпидемиологик хавфли вазиятлардан огохлантириш) ва бошқаларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, муаммоларни келтириб чиқарувчилардан юқоридагиларни ўз вақтида ва режали равишда бошқарилмаса , амалга оширилмаса, қишлоқ аҳолиси орасида диспансерлаш ишларини ҳам ўз вақтида олиб бориш риоя қилиш муаммоларни йўқалишига олиб келади .

